

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 6-iyul • Payshanba • 76 (27.568) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

ДЕПУТАТЛАРИМИЗНИНГ ЕВРОПА УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон парламенти делегацияси Австрияга ташриф буюрди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Машура Сафоёва раҳбарлигидаги делегация аъзолари австриялик ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказиб, қонунчилик ва депутатларнинг кундалик фаолиятини ташкиллаштириш масалалари юзидан фикр алмашдилар.


120 йилдан зиёд тарихга эга бўлган Австрия парламентчилиги тажрибаси кўлаб мамлакатлар депутатларида қизиқиш уйғотади. Федератив давлат сифатида Австрия мамлакат ҳаётининг минтақавий ва федерал миқёсида муҳим ўрин тутувчи фаол парламент тизимини барпо этишга муваффақ бўлган.

Австрия Миллий мажлиси (парламент қўйи палатаси) ва Қўйи Австрия федерал ўлкаси парла-

менти раҳбарияти билан ўтказилган учрашувлар доирасида Олий Мажлис депутатлари фаолиятининг қатор муҳим йўналишлари бўйича фикр алмашдилар. Жумладан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ва қонун ишлаб чиқиш тартиботи, парламент назоратини амалга ошириш, ахборот-ташқиқ базасини яратиб ва ундан фойдаланиш, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар билан алоқа қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон делегацияси Венага Москва орқали келди. Россия пойтахтида улар ўшбу мамлакат Давлат думаси аъзолари билан учрашувлар ўтказди. Австриядан сўнг депутатларимиз Лиссабон ва Париж шаҳарларида бўлиб, португалиялик ва франциялик ҳамкасблари билан учрашиши ҳам кўзда тутилган.

«Жаҳон» АА



НУР ҚУВВАТЛАРИ ОШМОҚДА

демак, ишлаб чиқариш тармоқларида унум ҳам ортади

Қашқадарё. Вилоят саноат корхоналарини, айниқса Қарши магистрал каналидаги улкан сув насослари, «Шўртангаз», «Шўртангазкимё», Муборак газни қайта ишлаш корхоналари, «Денгизкўл», «Ўртабулоқ», «Зеварда» газ ва нефть конлари, «Каштек», «Шахрисабттекс», «Яккабогтекс» мажмуаларини электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Қашқадарё юқори вольтли тармоқлари «Қарши 220/110/35/6 кв» подстанция жамоаси иқтисодийетимиз таянчларидан бўлган ана шу объектларни мунтазам электр энергияси билан таъминлаш, тизим воситаларини таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда. Шу кунларда бу ерда ўта мураккаб таъмир жараёни

— «ВВН-110 киловатт» русумли электр қурилмасининг юқори босимли ҳаво ёрдамида ўчириш ускунасини тўла (капитал) таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Р.РУСТАМОВ

Суратларда: Қарши подстанциясининг тезкор бошқарув маркази навбатчи-муҳандиси Мусурмон Тўхтаев. Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



15 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

• Публицистика

ҒАЛЛА — НАФАҚАТ ДОН, НАФАҚАТ НОН...

У ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ҲАМ

Кимки, унинг қудратига, муқаддаслигига ишонмас экан, ўтмишга назар солсин. Бир бурда нонга зор ўтган кунларни, очарчилик азобларини эсласин. Кимки, мозий ҳақиқати-га шубҳа билан қараса, айрим қитъаларда тузилган лекин, ризки тугилмай дунёга келган бандалар ҳаётига қўз ташласин... Дунёда ҳозир ҳам қорни тўйиб оқаётган одамлар борлигини тасаввур қилсин...

Бу қисмат нимадан, нондан эмасми?!

Ўзбекистонда энг тўқис ва айни пайтда энг қадри неъмат бу — нондир. Уни эҳтиёжимиз ваҳидан эмас, мулақо бундай эмас, аксинча дунёнинг энг азиз ва буюк мўъжизаси бўлгани учун... улуглаймиз.

У шундай улуг неъматки, балки шунинг учундир, инсон тугилиб, то қўз юмгунга қадар ёлғиз нонгина кўнглига урмайди...

У шундай улуг неъматки, таърифни шоирона айтганда: **Нон билан ободдир дастурхон... Боболар сўзи бу —**

нон демак имон!

Нон билан гўзалдир тўю-томоша, Нон бўлмаса тордир кенг жаҳон. Шунданми, ўғлон бурчин ўташга, Хизматга йўл олса нон тишлатилар. Совчилар келганда

қуда бўлмоққа,

Авалло ўртада нон ушатилар... Мўътабар меҳмонлар келса

йироқдан,

Қадоқ қўллар билан тутамиз нон-туз. Гўдаклар болшини остига ҳатто, Ирим-ла бурда нон қўямиз харгиз...

Нон! Дон! Ғалла! Барча ноз-неъматлар мезони улар. Жаҳон тамаддунида йилгирма биринчи аср кетаяптики, ғалла одамзотнинг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжи, энг олий неъмат бўлиб қолмоқда. Инсон космосга кўтарилди, ойгача бориб етди, дарёлар, денгизлар, океанлар забт этилди, ер қаъри бойликлари ўзлаштирилди, боринги, ҳатто атом энергияси ҳам жиловланди... Бугдой эса бугдойлигича қолмоқда. Мамлакатимиз рамизи — Ҳумо қўши

қўнган Гербимизга бир боқинг: тасвири олтин ранглар ила тузилган бугдой бошқаларига эътибор беринг... Бу — муқтаддас Ғалла фуқароларининг ғаллани муқаддас деб билишидан ёрқин далолат! Уни нафақат дон ва нафақат нон, балки жон ва имон сифатида қадрлашдан, моддий, маънавий, мўътабар бойлик деб англашидан, уволдан, залолдан қўқушидан дарак!

Нега? Шунинг учунки, яқин ўтмишда бир бурда нон, бир қадоқ ун ҳаёт-мамот масаласи бўлган.

Бугун-чи?! Бугун Истиклолгача пахтадан бошқа экин экилмаган дала-далоқда минг-минглаб гектар ғаллазорлар денгиздек мавжланиб ётибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, тандири эрта тондан то шомга ёниқ, дастурхондан ўз нони узилмайди... «Яратганга минг бор шукрки, — дегандилар Президентимиз Исом Каримов, — ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик».

Бултурги, бурноғи ва ундан ҳам ол-



динги йилларда бу борада эришган ютуқларимиз ҳақида ҳозир тўхталиб ўтирмаймиз. Бироз мураккаб (қурғоқ) келган бу йилги об-ҳаво шароитида қўлга киритилган муваффақиятларни олинг: дастлабки 2 миллион 400 минг тонналик довондан ошдик. Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Навоий, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ғаллазорлари шу кунларда бирин-кетин эл-юрт дастурхонига етказиб беришни мўлжаллаган ҳосил хирмонларини уюб улгурган бўлсаларда, ўрим суръатини бўшаштирмай, ҳар бошқ донни нест-нобўдсиз йил-тиштириб олишни қизгин давом эттирмоқдалар...

Айниқса, «юки» бошқаларниқидан анча оғир қашқадарёлик миришкорлар эришган ютуқлар алоҳида таҳсинга лойиқ; ҳозирча 315 минг тонналик бошланғич «сарҳад» ҳатлаб ўтилди. Ўтган йилгидан 28 минг тонна кўп! Ўртача ҳосилдорлик ҳам олдинги йилларга нисбатан анча зиёда: гектар бошига 44 центнердан! Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бу йил вилоятда 725 минг тонна дон ишлаб чиқарилади. Бунинг 43 минг тоннаси сара уруғлик бўлади. Яли даромад 90 миллиард сўм бўлиб, соф фойда 20 миллиард сўмга етиши чўлланмоқда. Бу кўрсаткичлар ўлка ғаллачилиги тарихида хали бўлмаган...

Андижон маррадан ошиб ўтиб, 250 минг тонналик «нишон»га яқин қолди, Самарқанд — 260 минг, Наманган — 216 минг, Бухоро — 130 минг

тонналик хирмонларни қўлаб бора-япти. Хоразм — 100 минг тонна сари йўл олди... Қорақалпоғистон — 75,8 минг тонна, Навоий — 80 минг...

Кимдан сураманг, жавоб битта: **юксалишнинг асосий кучи — фермерлар бўлди.** Ғалланинг ўз худудларига мос, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли «Чиллаки», «Санзар-4», «Оқ бугдой», «Зумрад», «Марварид», «Тезпишар» сингари ўнлаб навларини экиб, элга тўқлик ва фаровонлик келтирган бундай омилкор деҳқонларнинг номларини бугун номма-ном юзлаб-минглаб келтириш мумкин...

Бу ташбехларимиз замирида — Муқтақиллик йиллари одамларнинг ерга, мулка бўлган муносабати, эгаллик ҳиссиёти тубдан ўзгараётгани ва ўз меҳнатларидан манфаатдорлик туйғулари кучайиб бораётгани мустахоб топгани, шаксиз.

Мамлакатимиз салоҳияти ва қудратини ошириш, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида сиздикдилдан меҳнат қилаётган, астойдил тер тўқаётган ғаллакорлар, механизаторлар, қўмбайнчилар ва ишбилармон фермерларимиз бугун-эрта республикамиз хирмони 6 миллион тоннадан ҳам ошганини маълум қилишларига шак-шубҳа йўқ!

Зеро, улар **Ўзбекининг ўз донига, ўз нонига эга бўлиши** — Истиклол йиллари берган **иқтисодий салоҳият, моддий қудрат ва маънавий бойлик** эканлигини эндиликда янада теран ва маънан ёрқин англай бошладилар.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Эндиликда Урганч халқаро аэропортидан Москвага ҳафтада икки марта самолётлар учадиган бўлди. Муқаддам ҳафтанинг фақат чоршанба кунини Москвадан «Домодеово» аэропортига қатнов мавжуд эди. Россиянинг «Сибирь» аэрокомпанияси билан тузилган шартномага асосан душанба кунини яна бир қатнов йўлга қўйилди.

Бу Россия ва Ўзбекистон сайёҳлик компанияларининг таклифларига асосан амалга ошди. Россияга сайёҳатга ёки тижорат мақсадлари бораётган воҳалиқларга эндиликда «Ту-154» самолёти, «А-310» аэробуси ҳамда «Боинг-737» ҳаво кемалари хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин қилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

ХИРМОНЛАРДА ҚУТ-БАРАКА

Қорақалпоғистонлик ғаллакорлар бу йил баракали ҳосил олишди. Бугунгача уолган хирмон салмоғи 75,8 минг тоннадан ошди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўтган йилга нисбатан 8 центнерга кўп бўлди. Ҳозир худуддаги 4 минг 54 та фермер хўжалиқларининг ҳаммаси эл-юрт дастурхонига қўшимча бугдой тортиқ қилмоқдалар. 194 та қўмбайн ҳамон тингани йўқ.

Айниқса, Эллиқалъа, Тўртқўл, Амударё, Тахтақўпир, Ҳўжайли, Беруний туманлари ғаллакорлари пешқадмлар сафида боришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

— Бугунгача йилгидан олинган 253 минг 700 тонна ҳосилнинг 27 минг 100 тоннаси сара уруғлик бўлди, — дейди Самарқанд вилояти доҳими ўринбосари Абдимўмин Жўраев. — Вилоят бўйича биргина ғаллачиликдан олинган даромад 60,2 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Соф фойда 7,4 миллиард сўм бўлиши кутилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 1,5 баробар кўп...

Ғаллакорлар эришган ютуқда Нарпай, Иштихон, Оқдарё, Пастдаргом туманлари деҳқонларининг улушлари катта бўлди. Айниқса, Иштихон туманидаги «Саидрасул бобо», Жомбойдаги «Навбахор», «Дилшода» фермер хўжалиқлари ҳар гектар ғаллазордан 60 центнергача дон етиштириб, барчага ибрат бўлдилар.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR

MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI

MULKDORGA NAMKOZ!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74

WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bijra@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНИҒИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

● Шарҳ

ЖУМБОҚЛИ БОШҚОТИРМА

Элчига ўлим йўқ, Қадимда шундай эди, ҳозир ҳам шундай. Бир ҳозир элчи деганда фақат бир киши эмас, балки элчихона ходимлари — дипломатлар ҳам тушунилади. Демак, дипломатларга ҳам ўлим йўқ. Уларни нодиндипломатик хатти-ҳаракатлари учун айблаш мумкин, аммо сўзсиз, сўроқсиз ёки изсиз йўқ қилиб юбориш мумкин эмас. Агар шундай ҳолат юз берса, уни жаҳон миқёсидаги муҳлиси жиноят деб аташ зарур бўлади.

Хабарингиз бор, шу йилнинг июнь ойида Россиянинг Ироқдаги элчихонаси ходимларига нисбатан шундай муҳлиси жиноят содир этилди. Улардан биттаси олиб ўлдирилди ва тўрт нафари ўғирлаб келиб, сўнгра ваҳшийона қатл қилинган.

Жаҳон жамоатчилигини ларзага келтирган бу жиноят одамларда шубҳали саволлар туғилишига сабаб бўлди. Яъни, нега айнан Россия дипломатларига нисбатан шундай ёвузлик амалга оширилди? Бунинг сабаблари нимада? Бундан қандай қарор чиқариш керак? Қандай қўллар Россияни Ироқдаги авантюрага тортиш ниятдадлар? Шарҳимизда бу каби саволларга жавоб излашга уриниб кўрамиз.

Авалло Ироқ — Россия муносабатларига оидинлик киритиб олайлик. Россия ва Ироқ ўртасида ҳамisha дўстона, ўзаро ёрдам ҳамда яқин ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, муҳташамлашиб борган ва бунга раҳна солидиган куч топилмаган. БМТ Хавфсизлик Кенгашида Россия доим Ироқни ёқлаб овоз берган. Россия ҳозир ҳам Ироқдаги бунинг аянчили аҳвол учун жон куйдираётган ва ташвиш билдираётган давлатлардан бири.

Умуман, Ироқнинг олдинги раҳбарлари каби ҳозирги ҳам Россия билан дўстликини қадрлашади. Жумладан, юз берган

қўнгилсиз воқеадан кейинроқ мамлакат президенти Жалол Талабоний баёнот бериб деди: «Бу жиноятни содир этган жангарилар Ироқнинг яқин дўсти ва турли соҳадаги ҳамкорига ҳурматсизлик қўрсатди. Россия Ироққа ҳарбийларини эмас, балки инсонпарвар кучларини юборган эди. Демак, россияликларга ҳужум қилганлар ҳар қандай шафқатсиз завоға лойиқдир». Улар ўлдирилганидан сўнг эса Ироқ ҳукумати жиноятчиларни излаб топиб, шафқатсизларча жазолашга қаттиқ бел боғлаганлиги маълум қилди. Ҳозир Россия томони ҳам, Ироқ томони ҳам жиноятчилар изини топиш учун бутун имкониятларини ишга солишмоқда. Россия федерал хавфсизлик хизматининг антитеррор қўмитаси жиноятчилар ҳақида бирон-бир хабар ёки маълумот етказган одамга ўн миллион доллар миқдорига мукофот пули белгилади.

Ана шундай бир пайтда АҚШ маъмурияти вакили, яъни Оқ уй матбуот котиби Тони Сноу баёнот бериб, «Ал-Қоида» бу ваҳшийона қотиллик билан ўзининг азалли ёвузлигини намоён этганлигига эътибор қаратади ва Россия халқига ҳамдардлик билдирди. «Ал-Қоида» ҳужум қилиш учун дипломатларни ва барча миллатларга ва динларга мансуб тинч аҳолини танлар экан, демак, у ҳамон бутун инсониятнинг душмани эканини кўрсатмоқда» деди жаноб Тони Сноу. Шу билан бирга, матбуот котиби террорчиларнинг «даҳшатли хуружлари»га қарамасдан ироқликлар, америкаликлар ва халқро ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари «гуллаб-яшнайдиган, барқарор ва хавфсиз Ироқни бунёд этиш йўлидаги ўз иштирокларини тўхтатмайди, деб ишонч билдирди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда эса, аксинча,

рўй берган муҳлиси қотиллик учун бутун жавобгарлик Ироқни босиб олган коалиция қўшинлари зиммасига юкланадиган айтилди. «Айнан коалиция қўшинлари Ироқда хафсизликни таъминлаш, шу жумладан, хорижий дипломатик миссияларни муҳофаза қилиш учун жавобгар» дейилган баёнотда. Бу даъво БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2004 йил июнь ойидаги резолюциясига мувофиқ ҳуқуқий асосга эга эканлиги қайд этилади. Ироқдаги коалиция қўшинларининг жавобгарлиги ҳақида гап борар экан, Россия парламенти кўйи палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Слоски: «мазкур жиноят уларнинг виждонига ҳавола» деди. Бошқа депутатлар ва давлат арбоблари ҳам ана шундай мазмун ва йўналда баёнот беришди.

АҚШдаги рус дипломатларини «Ал-Қоида» ўлдирганини «анж-равшан қилиб» айтиётган бўлишларига қарамай, Россия жиноятчиларни излаб топишга мустақил равишда қатъиятлик билан киришди. Бундан унга Ироқдаги эски дўстлари ёрдам бериши эҳтиромдан холи эмас. Албатта, дипломатларнинг умрига завол бўлган қотиллар топилиб, тегишли жазосини олишлари шарт. Бундан буён бундай фожианинг олди олинмаси, фитналар фарзали мақсадлар йўлида қурол бўлиб қолаверадими. Агар бу қуролга эрк берилса, жаҳон яна «совуқ уруш» гирдобига тушиб қолади.

Афтидан, бўлиб ўтган воқеа бир саволга анж жавоб топиши талоққа эгадир. «Ал-Қоида»нинг Россияга қандай даъволари бор? Айтилик, ҳозир Чеченистондаги вазият барқарорлашган. Бунинг устига Рамазон Қодиров марказининг ҳам, ўз халқининг ҳам ишончини қозонишга улгурди. Россияда бевосита бўлмасда, билвосита «Ал-Қоида»га дахлдор бўли-

ши мумкин бўлган яна қандай сабаблар бор? Ҳозирча бу саволга жавоб йўқ, Чунки, Россия Ислон Конференцияси Ташкилоти ишида фаол иштирок этиб, араб дунёси, бутун муслмон олами билан яқин ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ўрнатиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиб борапти. Қузатувчиларнинг фикрича, илгари шундай ҳолат юз берганида, жангарилар қўлга олинганлар рус эканликларини билиб қолишган, уларни қўйиб юборишган.

Бироқ «булун инсоният душманларининг бошқалардан аламлири борга ўхшайди. Россия дипломатларининг ўғирланиши ва ўлдирилиши билан боғлиқ ҳолат «Ал-Қоида» билан дахлдорликда гумон қилинган тақдирда ҳам маълум даражада асос бўлиши керак. Айтилик, ашъвий далиллар билан бўлмаган тақдирда ҳам мантқиқ тўғри келадиган шубҳа ва гумон бўлиши шарт. Акс ҳолда бу жумбоқ бошқотиргани келтириб чиқаради. Бошқотиргани ечиш эса ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайдими. Айниқса, халқро муносабатларда бошқотирмадаги саволларга жавоб топиш жуда мушкул. Афтидан, Ироқда юз берган фожиадан Россия дабдурустдан кескин ва бир томонлама ҳулоса чиқаришнинг боиси шундан бўлса керак.

Умуман, сиёсат шовшмашворликни ёқтирмайди. Вақти келиб, фитнадан қўзланган мақсад ҳам, жиноятнинг сабаблари-ю сабабчилари ҳам аниқланади. Имон бўлса, ўшанда бу мавзуга яна қайтамиз. Бироқ бир нарса аниқ: бизнинг ҳам Россия билан Ироқ ўртасига душманлик уруғини соча олмайдими, чунки, улар ўртасидаги дўстлик давр синовларидан ўтган.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорларига мувофиқ, қуйидаги насл рентабелли корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхонаси

Корхона ва объект номи	Манзили	Бепул бериш тартиби бўйича	Танлов шартлари		
			Фаолият тури бўйича	Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм)*	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш мuddати (йил)
1	2	3	4	5	6
«АВИАЛ» кичик давлат корхонаси	Сергели тумани, «Учувчилар» шаҳарчаси	Мулкий мажмуа сифатида тулкилигича (Чиноз туманидаги дам олиш маскани билан)	Фаолият турини сақлаб қолиш шартли билан	50,0	1

Изоҳ: *— Ушбу инвестиция миқдори, инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ миқдорда кўрсатилиши мумкин.

2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активи

№	Корхона номи	Манзили	Низом жамғармасидаги давлат активи, %		Танлов шартлари			
			Жами	Шу жумладан давлат улуши	Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тулкилигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгалаб турган ер майдонлари таркибини ўзгаришининг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик шартли билан)*	Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм)**	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш мuddати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	«FAZO VIDEO» (собик «Ўзбекистон Республикаси видеоаркази» ОАЖ)	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-А-уй	93,19	93,19	Давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолиш	5	0,5 (6 ой)

Изоҳ: *Фаолият турини ўзгариши масаласи жамият акционерлари (таъсисчилари) қарорига қўра қабул қилинади.

** Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ миқдорда кўрсатилиши мумкин.

Танлов савдолари санаси: 2006 йил 11,25 июль, 8,22 август, 5 ва 19 сентябрь кунлари.

Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг

Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Мовароуннахр кўчаси, 16-А уй манзилида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эътиборини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
 2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси.
 3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).
- Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион таклифлар танлов савдоси кунидан уч кун аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан

биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шартлари бўйича батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этишнинг мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Мовароуннахр кўчаси, 16-А уй.

Маълумот учун телефонлар:

133-73-10, 133-46-13.



РОССИЯ

Президент Владимир Путин халқро нодавлат ташкилотлар вакиллари билан учрашди. «Ново-Огарево» қароргоҳидаги учрашув режа-лаштирилганидек икки соат эмас, уч соат давом этди. 13 та йирик халқро нодавлат ташкилот етакчилари «сақизлик» раҳбарларига қатор соҳалар бўйича ўз истакларини билдиришди. Чунинчи, «сақизлик»ка аъзо баъзи мамлакатлар терроризмга қарши кураш доирасида инсон ҳуқуқларини бузаётганлиги, масалан, АҚШ терроризмга гумон қилинаётганлари қуйноққа солаётганлиги ҳақида гап борди. Россия шаънига ҳам, айниқса, Шимолий Кавказдаги вазият ҳусусида аччиқ гаплар айтишди.

Фуқаролар иштироки халқро альянси бош котиби Куми Наидо учрашувда асосан тўрт мавзу: энергия хавфсизлиги ва экология, қаш-шоқлик ва ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва нодавлат ташкилотларнинг Россиядаги фаолияти муҳомада этилганлиги маълум қилди. «Умид қиламизки, биз билдирган фикрлар «сақизлик» саммитига тайёрларлик кўришда ва ўтказишда ҳисобга олинади» деди у.



ВОКЕЛИК ВА ВИРТУАЛЛИК ЧЕГАРАСИ

Ўтган йили 14 ёшли «Чала парчаланиш даври» ўзинининг илосманди бўлган америкалик ўспирин кинотеатрда отишма уюштиргани туйфайли 4 одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Тергов давомида аниқланишича у ўйиндаги барча ҳаракатларни реал ҳаётда акс эттиришга бўлган экан.

Бунда ким айбдор? Ҳали онги нимани курси шундайлигича қабул қилаётган ўспиринларми ёки уларга дўндан хавфли ўйинчоқ кўтариб келган катталарми?

Психологларнинг эса бу борадаги фикрлари турлича. Кимдир ўйинлар бир қўнгилсушлик деса, кимдир уни хавфсизликка тақдид, дея баҳоломоқда. Баъзи давлатларда Интернет ва компьютердан ақралмай қолган инсонларни, алкоголь ичимликларига ружу қўйган ёки наркотик моддалардан «қўнги» уза олмаётганлар билан бир қаторда даволайдиган клиникалар ҳам мавжуд.

Эътибор берадиган бўлсак, болалар компьютер ўйинларига ўспиринлик пайтида қизиқишади. Бу давр эса ҳиссий нуқта-назардан беқарор бўлади. Айна ш пайтда ўспиринлар ўзини ҳимоясиз сезади, кайфияти тез-тез ўзгариб, танада ортиқча энергия йиғилади. Бугун эса бу ортиқча энергия Интер-

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, Япония му-дрофа бошқармасининг маълумотларига қўра, чоршанбага ўтар кеча-си учирилган Шимолий Корея ракеталари Россиянинг 200 миллик иқтисодий маконига келиб тушган. Япон ҳарбийларининг тасдиқла-шича, яқин радиусда ҳаракатланувчи ракетадан бири Находкадан бор-йўйи бир неча ўн километр, «Тазодон-2» ракетаси Владивос-тоқдан тахминан 150 километр нарига бориб тушган. Россия томони-дан мазкур ахборот ҳозирча тасдиқлангани йўқ. Айни чоғда Корея Халқ Демократик Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ракета-лар синовларини ўтказиш республиканинг суверен ҳуқуқи эканлигини билдирган. Вазирлик вакили Ли Хен Токнинг аниқлик киритишича, «ракеталарни учуриш тафсилотлари фақат Шимолий Кореянинг ҳар-бий идорасигагина маълум». Шимолий Кореялик дипломат сўзларига қўра, унинг мамлакатига ҳеч қандай халқро битимларни бузмаган.

ЯҚИН ШАРҚ

Фаластинликлар томонидан Ашкелон шаҳри ракетадан ўқда тугилганига жавобан Ис-роил авиацияси Фазо минтақаси-га бомбард ёғдирди. Бомба зар-баларидан бири Фаластин ички ишлар вазири жойлашган биного қаратилган. Муқаддас исроиллик-лар «ХАМАС» жангариларининг машқлар ўтказиш манзилига зар-балар берганди. Гувоҳларнинг айтишича, қуролли одамлар ман-зилдан вақтида чиқиб кетганли-ги боис, авиация ҳужумидан ҳеч ким зарар қўрмаган.

Фаластинликлар сешанбада учирган қўш двигателли, тақомил-лашган «Қассам» ракетаси Аш-келон шаҳридаги мактаб ҳовли-сига келиб тушганди. Шундан сўнг Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт «ХАМАС» раҳбарлари

нети клубларида ўлдириш, бузиш, ўғирлашни ўрганиш учун сарф-лаяпти. Бу ҳаракатлар даставвал виртуал оламда содир бўла-ди. Қисқа вақт ичида эса ўйиндаги ҳулқ ўспирин учун ҳаётий меъёр бўлиб қолмаслигига ким қафолат беради?

Бунинг устига виртуал оламда ўспирин ўзини яқин сезади. У ерда у кучли, мард, қуролланган, омадди қаҳрамондир. Афсуски ўйиндаги бу фазилатлар ҳаётга қўчмайди. Шунинг учун ҳам ўйин тугатган, ўйинчи ўзини ноқулай сезади. У яна шафқатсиз оламда ўзини кичкина, қучсиз, ҳимоясиз ҳис қила бошлайди. Шу сабаб ўйинчи ҳар доим гоилиб бўлган оламга қайтишга олишқайди.

Тўғри, ўйинлар фақат ва фақат зарар дейиш ҳам нотўғри. Уларни фантазияга эга бўлмаган болалар ўйнай олиши амри маҳол. Баъзи мураккаб вазиятларда боланинг стратегик фикр-лашини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолаёси. Бундан ташқари аниқ ва гуманитар фанларни ўрганишни оsonлаштирувчи ўйин-лар ҳам бор... Бироқ бу бошқа мавзу.

ШИФОКОРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Болангизни компьютер олдида ўтириш вақтини чегаралаш ёки ишдан кейин, баъзида эса иш вақтида компьютер ўйинига беришган ҳаммасини танқид қилиш керакми? Медицина нуқта-назаридан бу нарсалар соғлигингизга пугур еткази бош-ламагунча зарарли эмас экан. Лекин виртуал олам билан му-лоқот қилиш компьютер орқали содир бўлишини эсласак, баъ-зи муаммоларни санаб ўтмасдан илоҳимиз йўқ. Монитор ол-дида узок вақт ўтириш кўнгинча бош оғриги ва кўз намлиги пасайишига олиб келаркан. Узок ўтириш ўспирин умуртқа поғонаси учун зарарлидир. Бўкилиб кетганидан виртуал

ТАҚИҚ — ЕЧИМ ЭМАС...

Швецияда компьютер ўйинларидан келадиган даромад йи-лига 200 миллион долларни ташкил этса, АҚШда бу кўрсаткич 10 миллиард долларга етади. Нима бўлганда ҳам, бу «булоқ»-дан сув ичаётганлар уни қуриб қолишига ёки бировлар то-монидан босиб олинишига оsonликча рози бўлишмайди.

Англия ва Европада товарларни таснифлашнинг энг қатъий чоралари белгиланган. 18 ёшга тулмаган ўспиринга «катталар учун» белгиси қўйилган компьютер ўйинини ёки видеофильм-ни сотган шахсга 5 минг фунт (9 минг доллар) жарима солини-ши ёки у ярим йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Бироқ бу чоралар ҳам болалар қўлига ёшига тўғри келмайди-ган маҳсулотлар тушиб қолишини чеклай олмапти. Чунки бо-лаларга бундай ўйинчоқларни ота-оналари олиб беради. Шу-нинг учун ҳам бу борада туғилган муаммоларда фақат компь-ютер ўйинлари ишлаб чиқарувчиларининг айблаш нотўғри.

Компьютер ўйинлари фойда ва зарари ҳақида кўп гапир-иш мумкин. Бироқ ўзингиз ўйлаб кўринг, пичоқ билан ноҳин кес-иш ҳам мумкин, у билан ўта оғир жиноят ҳам содир қилиш мумкин. Лекин шу пайтгача ҳеч ким пичоқни таққиллаш ҳақида ўйлаб ҳам қўрган эмас. Шундай экан, гап воситада эмас, балки ундан қандай ва қай мақсадларда фойдаланишимизда.

Хуришд РАУПОВ

«Ўзбекистон овози» муҳбири

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридagi

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 8,11,15,18,22,25,29 август ҳамда 5,8,12,15,19,22,26,29 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказидади.

Савдоларга Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уйда жойлашган «Узинтеримпекс» давлат акциядорлик ташки сав-до компаниясининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АН 478 бўлган «Хундай Грейс» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 9 500 000 сўм;**

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АН 477 бўлган «Хундай Грейс» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 7 500 000 сўм;**

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10ВВ 799 бўлган «ДЭУ Принц» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 3 300 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истигани билдирган талабгорлар объект-нинг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закат пулини «ROYTAXT АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 хисоб рақамига тўлдилади.

Аризалар қабул қилиш савдолдан бир соат аввал тўхтатилади, Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-А уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815

Барча манфаатдор бўлган ҳимоянинг ва юридик шахслар диққатига!

«Белгим» ОАЖ шуни маълум қиладики, жамиятни масъулияти чек-ланган жамиятга қайта ташкил этиш масаласи тўғрисидаги акциядор-ларининг 2006 йил 24 майда ўтказилган умумий йиғилиши қарорига биноан, масъулияти чекланган жамиятни қатнашчиларининг умумий йи-ғилиши 2006 йил 10 июль соат 10.00да Тошкент шаҳри, Моваро-уннахр кўчаси, 13-уй биносида ўтказилади.

Кун тартибидagi масалалар қуйидагилардан иборат:

1. Масъулияти чекланган жамият Устав фонди миқдори, қатнаш-чилар таркиби ва улар эга бўлган улушлар миқдорини белгилаш тўғрисида.

2. Масъулияти чекланган жамият таъсис ҳужжатлари лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида.

3. Жамият думалок муҳри ва тўртбурчак тамгаси аскиларини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Жамият Бошқарув органларини сайлаш тўғрисида.

5. Топшириш ҳужжатини тасдиқлаш тўғрисида.

Барча қизиқтирган саволлар билан «Белгим» ОАЖнинг қуйидаги манзилига мурожаат этишнинг мумкин:

Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 13-уй.

Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОД ЮРТ КОРИГА ЯРАЙДИ

Вобкентда ҳар бир ташаббус, янглик таомилдагидек эзгу мақсадларни кўзлаб амалга оширилади...

154 та майдонча бўлиб, уларда қарийб 13 минг ўқувчи ўзи севган спорт тури билан шуғулланаётир...



Чемпионлар тайёрлаш катта меҳнат ва масъулиятни талаб этиши табиий. Буни 1683 нафар ўқувчининг барчаси билан...

Оқилов шоғирлари Ислоҳ Исмоилов, Хикमत Искандаров, Шерзод Комилов, мураббий Рустам Шокиров қўлида маҳоратини оширган...

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ



'Мулоқот' журнаlining бу йилги 3-4-сонлари босмадан чиқди. Ушбу янги сон 'Эзгулик қошонаси' мақоласи билан очилади...

Table listing authors and titles for the journal 'MULOQOT', including Safar OSTONOV, Abdulla OROPOV, and others.




АЖОЙИБ ФУТБОЛ СПЕКТАКЛИ

Немисча «ҳисоб-китоб»нинг панд бергани ёки италияликларнинг финалга чиқишгани ҳақида

Қарийб бир ойдан бери давом этаётган жаҳон чемпионати яна икки ўйиндан кейин ниҳосига етади...

Дарақ беради. Лекин ана шу икки жамоадан қайси бирининг омади қоплишини профессионал маҳорат ҳал этади...

экан. Ҳаммаси ниятга боғлиқ деб, шунинг айтсалар керак. 120 дақиқа давом этган Германия — Италия учрашуви дуранг якунланади...



Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ

Божхона — мамлакат дарвозаси

ОДАМЛАРГА ЗАҲРИҚОТИЛ ТАРҚАТАЁТГАНЛАР

6,5 КИЛОГРАММ «ГЕРОИН»

Гнѐхвандликнинг зарари ҳуссида олиб борилаётган тарғибот ташвиқот ишларига қаршилик ҳозирда нарқоқурерлар томонидан...

40 минг сўмга сотиб олган 800 қути «Ринза» таблеткаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимизга олиб кираётганлиги аниқланди...

ҲУЖЖАТСИЗ ҲУЙНЧОҚЛАР

Ота-оналар ўз фарзандларига қувонч улашиш мақсадида уларга турли ўйинчоқлар ҳада этишадди...

ҚАЛБАКИ «RINZA»

Яқинда Андижон вилояти боғхона бошқармасининг «Ҳаракатдаги» боғхона маскани ходимлари томонидан «Нексия» русумли автомашина шубҳа остига олини...

«Ҳаракатдаги» боғхона маскани ходимлари вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан...

ҳамкорликда Балиқчи тумани ҳудудида ҳаракатланмаётган «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, текширувдан ўтказди...

Ушбу ўйинчоқларни давлат стандарти талабларига жавоб бериши бўйича Андижон вилояти синови ва сертификатлаштириш марказига мурожаат этилганда...

Ноқонуний олиб кирилган ўйинчоқларнинг таркиби Давлат боғхона қўмитаси Марказий боғхона лабораторияси ходимлари томонидан ўрганилганда...

Ҳозирда ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган фуқаро М.Адиловага нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, ҳужжатлар тегишли идораларга юборилди...

Нурбек САЛОМОВ, Давлат боғхона қўмитаси Матбуот хизмати ходими


Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти раҳбари Олим Равшановга бувиши Ойбахор АЛИЕВанинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия ихроф этади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ! ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХИВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йили учун қабул эълон қилади

Коллежга ўрта мактабнинг 9-синфини битирган йигит ва қизлар кундузги бўлимга ўқишга қабул қилинади.

Table with 3 columns: №, Касби, Ихтисослиги. Lists professions like 'Тикув буюмларини ишлаб чиқиш ва моделлаштириш бўйича технолог' and their specialties.



- Ўқиш муддати — 3 йил. Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар. 1. Директор номига ариза; 2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг «асл нухаси»;

Манзил: Хоразм вилояти, Хива тумани «Шомохулум» қишлоғи, Хива маиший хизмат касб-ҳунар коллежи. Телефон: (8.362) 37-6-30-05.

Table listing various departments and their contact information, including 'Siyosat, partiya va xalqaro hayot', 'Parlament va huquq', and 'VILOYAT MUXBIRLARI'.